



КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН БАНК АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Султонов Аброр

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0008-0986-2367

lawyer7777@inbox.ru

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳон амалиётида комплаенс назоратни ташкил этиш тажрибасини Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятига жорий этиш масаласи, унинг ўзига хос ташкилий жиҳатлари кенг очиб берилган. Банк амалиётида уни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатларининг халқаро тажрибаси асосида ташкил этиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: комплаенс назорат, тижорат банки, банк амалиёти, коррупцияга қарши кураш, назорат элементлари, комплаенс назорат ҳисоботи.

ВОПРОСЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА СТРУКТУРЫ КОМПЛАЕНС КОНТРОЛЯ И ВОПРОСЫ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В БАНКОВСКОЙ ПРАКТИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Султонов Аброр

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье широко используется имеющегося в мировой практике вопросы внедрения опыта организации комплексного контроля в деятельность коммерческих банков Узбекистана, его специфические и организационные аспекты. При организации и внедрения международного опыта организации комплаенс контроля раскрываются конкретные аспекты внедрения и его специфика в банковской практике.

Ключевые слова: комплаенс-контроля противодействие коррупции, коммерческие банки, банковская практика, элементы контроля, отчет о комплаенс-контроле.

ISSUES OF INTERNATIONAL EXPERIENCE IN THE FIELD OF COMPLIANCE CONTROL STRUCTURE AND ITS APPLICATION IN BANKING PRACTICE OF UZBEKISTAN

Sultanov Abror

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article makes extensive use of the issues of implementing the experience of organizing integrated control in the activities of commercial banks in Uzbekistan, its specific and organizational aspects, which are available in world practice. When organizing and implementing international experience in compliance control, specific aspects of implementation and its specifics in banking practice are revealed.

Keywords: compliance control, anti-corruption, commercial banks, banking practice, control elements, compliance control report.

Кириш.

Жаҳон ҳамжамиятида рақамли молиявий технологияларнинг жуда тез ривожланиши натижасида банк тизимида тўлов тизимининг шиддат билан ривожланиши сабабли банк тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш учун комплаенс-назорат тизимини вазифалари янги шароитга мос равишда ўзгаришига олиб келди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироздан кейин молиявий институтлар томонидан амалга ошириладиган хизматларни турларининг кўпайиши натижасида уларни тартибга солиш масаласига эътибор янада кучайди, натижада молия институтларида регулятив комплаенс назоратни ташкил этиш ва унинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ошишига олиб келди.

Жаҳон банк амалиётида жуда кенг тарқалаётган янги такомиллашган рақамли технологияларнинг жорий этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизимига янги тўлов тизимининг кириб келиши ва уларни жуда тез суръатлар билан банк амалиётида ривожланиши натижасида тижорат банкларининг тўлов тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича комплаенс-назорат тизимини жорий этилиши натижасида замонавий тўлов тизимига мослаштирилган тизимнинг яратилишини тақоза этади. Шу жиҳатда уларни назорат этиш жараёнида банк тизимига комплаенс назоратни жорий этиш зарурияти пайдо бўлади. Айниқса дунё банк амалиётида содир бўлиб турадиган турли шаклдаги банк фаолиятига таъсир этувчи салбий таъсирли иқтисодий инқироз ва салбий таъсир этувчи ҳолатлар булиб тураётган иқтисодий эркинлаштириш шароитида банк тизими томонидан амалга ошириладиган хизматларни турларининг кўпайиши натижасида уларни тартибга солиш масаласига эътибор янада кучайди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси молия институтларида доимий равишда комплаенс назоратни ташкилий масалаларини ечимини топиш ва уларнинг амалиётга жорий этилишидаги харажатларнинг ошишини назорат қилиш масаласи пайдо бўлади.

Шу сабабли дунё амалиётида кенг фойдаланилаётган комплаенс назоратнинг халқаро тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда банк-молия тизимида жиноий фаолият натижасида банк томонидан ушбу жараёндан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган миллий тизимини қабул қилиниши катта ўзгаришларга олиб келди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасидаги амалга оширилаётган ўзгаришлар ва банк соҳасидаги ислохотлар натижасида Ҳукуматимиз томонидан банк-молия тизимини ривожлантириш стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ушбу жараёнда банк соҳасидаги иқтисодий ислохотлар натижасида молия институтлари фаолиятида «пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ички назорат хизматлари самарадорлигини мазкур ташкилотлар фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш» (Фармон, 2021) муҳим ва асосий масалалардан ҳисобланади, чунки ушбу жараёнлар энг аввало банк-молия тизимидан қўлланиши натижасида ушбу соҳадаги усуллардан фойдаланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сон «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин

қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодийдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қонун, Фармонларидан фойдаланиш ва бу билан замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, мавжуд тўсиқларни бартараф этишга олиб келиши таъкидланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги тижорат банклари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан аниқланган топа олмаслик, назорат рискларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва аниқлаш бўйича бир йилда камида бир марта амалга оширишига доир таклиф натижасида тижорат банкларида ички назорат қоидалари жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича рискларни мижозлар тўплами кесимида аниқлаш ва баҳолаш, уларнинг турли регион ҳамда географияси ва транзакция турлари бўйича баҳолашни йўлга қўйиши ва аниқланган комплаенс назорат бўйича рискларни бартараф этиш бўйича кенгайтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Ушбу келтирилган масалаларнинг ечимларини топиш натижасида банкда комплаенс назорат тизими фаолиятининг сифатини янада юқори кўрсаткичларга олиб чиқиш орқали банк тизимида коррупцияга қарши курашиш йўллари ишлаб чиқиш имкониятларини яратиш учун асос шакллантирилади.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикасидаги банк тизимининг ўзига ҳослиги, унинг мураккаблиги ва хажмларининг катталиги ҳамда банк тизимига боғлиқ рискларни маҳаллий чегаралардан чиқиб, халқаро даражадага чиқиши натижасида чет эл тажрибасини ўрганиш орқали банкнинг комплаенс назорат бўйича қамровини янада ошириш имконияти яратилади. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда содир бўлаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасида мамлакатимиздаги миллий ва халқаро регуляторлар томонидан тижорат банкларининг корпоратив бошқарувга тегишли яратилган назорат тизими, банклардаги қўлланилаётган риск менежментининг яхлит тизими ва уни назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган комплаенс-назорат тизими орқали назорат тизимини амалга оширилиши натижасида тижорат банкларининг фаолиятидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида банк фаолияти бизнесининг табиатидаги рискларни минималлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва улар бўйича ижобий натижага эришиш банк тизимининг устивор масаласи сифатида белгиланган ва айниқса банк-молия тизимидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш бўйича тадбирлар, терроризмни молиялаштиришга доир амаллар ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича банк тизимидаги молиявий ресурсларни жиддий назорат этиш амалга оширилмоқда.

Тижорат банкларида комплаенс назоратини ташкил этиш, комплаенс назорат тизимининг мақсад ва вазибалари, комплаенс дастурлари ва ушбу масаланинг амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича асосан хориж олимлари томонидан бир қанча илмий изланишлар олиб борилган (Casarico, 2022). Замонавий

комплаенс тарихи йигирманчи асрнинг бошларида, АҚШда ва кейинчалик Европада иқтисодийнинг турли соҳаларини назорат қилувчи биринчи агентликлар пайдо бўлган пайтдан бошланган.

Дунё хамжамияти томонидан олиб борилган илмий, амалий ва прикладной тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, пул ювиш масаласида банк сектори энг хавфли тармоқ ҳисобланади. Айни пайтда, пул ювиш билан шуғулланувчилар юқори даражадаги махфийликни сақлайдиган ва зарарсиз кўринадиган усуллардан фойдаланишни афзал кўришади (Said, Ghani & other, 2013). Шу сабабли ушбу операцияларни топиш, уларни олдини олиш ва унга қўймаслик масаласи муҳим ҳисобланади ва ўзига яраша йилдан йилга ушбу жараёнлар мураккаблашиб бормоқда.

Рус олимларидан Примаков (2019) томонидан ўз илмий ишларида қуйидаги ўзига хос жараёнларни, яъни компанияларда ноқонуний йўллар орқали даромадлар олишга қарши туриш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, компаниянинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ иш фаолиятини олиб боришлигини таъминлайдиган норматив-ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, ахборот оқимларининг хавфсизлигини ҳимоя қилиш, фирибгарлик ва коррупцияга қарши курашиш, ходимлар учун ахлоқий меъёрларни ўрнатиш ва бошқаларни ўзи ичига олиши мумкин деган фикрни билдиради.

Базел қўмитасининг "Комплаенс ва банкларда комплаенс функцияси " нашрида "комплаенс назорат қилиш" атамаси "тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари, қонуности ҳужжатлари ва ишбилармонлик одатларининг бузилиши натижасида тижорат банкининг қонуний жавобгарлиги, молиявий йўқотишлари, обрўсини йўқотиш хавфи" (Абрамов, 2020) деб таъриф берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, халқаро талабларга кўра амалда, тижорат банкининг олдиндан белгиланган корпоратив стратегияси асосида комплаенс назорат бўлимига бўлган эҳтиёж аниқланади. Ушбу стратегик мақсад ва вазифаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- 1) хорижий бизнесни сотиб олиш ёки сотиш;
- 2) ташқи капитал бозорларида иштирок этиш учун IPO билан ишлаш;
- 3) тижорат банки томонидан қимматли қоғозларни сотиш учун ташқи бозорга чиқиш;
- 4) чет эл кредит линияларини банк фаолиятига жалб қилиш;
- 5) стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш ва бошқа мақсадлар учун мукамал комплаенс тизимини ташкил этиш лозим.

1-жадвал

Банк назорати ва аудити томонидан ишлаб чиқилган стратегик мақсад ва вазифаларнинг назорат қилинишини таҳлили

	Комплаенс назорат	Ички аудит	Ташқи аудит
1) хорижий бизнесни сотиб олиш ёки сотиш;			+
2) ташқи капитал бозорларида IPO билан ишлаш;		+	+
3) тижорат банки қимматли қоғозларни сотиш учун ташқи бозорга чиқиш;			+
4) чет эл кредит линияларини банк фаолиятига жалб қилиш;	+		
5) стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш.	+		+

Шундай қилиб, Банк Назорати Базель Қўмитаси (БНБК) томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида комплаенс функцияси бажарилиши вақти-вақти билан баҳоланиб турилишини таъминлаш учун комплаенс функцияси ва ички назорат функцияси бир-биридан ажратилиши лозим. Комплаенс вазифаларига ташкилот ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларини ўзига қамраб олган қоидалар ва процедуралар тизимини яратиш, уларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш киради.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, банк назорати ва аудити томонидан ишлаб чиқилган стратегик мақсад ва вазифаларнинг назорат қилинади ва ушбу технологияларни тижорат банкларининг фаолиятига қўллаш жараёнида ўзига хос жиҳатлари вужудга келади. Бунда биринчидан, хорижий бизнесни сотиб олиш ёки сотиш тартиблари чет эл кредит линияларини банк фаолиятига жалб қилиш; энг аввало ташқи аудит томонидан банкнинг жозибадорлигини аниқлаш учун фойдаланилади. стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш Иккинчидан банкнинг ташқи капитал бозорларида IPO билан ишлаш таъсирини аниқлаш орқали тартибга солиш талабларини кўриб чиқиш масаласи ташқи ва ички аудит томонидан кўриб чиқилади ва назорат қилинади. Бундан ташқари комплаенс назорат томонидан кўйидаги масалалар назорат қилинади, мажбуриятларини бошқаришга ёрдам беради; чет эл кредит линияларини банк фаолиятига жалб қилиш масалаларининг мақсадга мувофиқлиги асосида уларнинг натижаси бўйича молиявий ва номолиявий рискларни назорат қилиш ва бошқаришга ёрдам беради.

Умуман олганда, банк комплаенс назорати томонидан банклардаги турли пайдо бўладиган аудиторлик ва назорат рискларини бошқариш орқали банки тизимига янги мижоз, инвестор ва ҳамкорларни жалб этиш имкониятлари яратилади. Тижорат банки учун комплаенс функциясининг қиймати йил сайин ортиб, комплаенс корпоратив бошқарув тизимининг ажралмас элементи айланмоқда. Натижада энг асосий масала комплаенс назорат тижорат банкларининг раҳбарият учун фаолиятига тегишли қарорларни қабул қилиш учун асос бўлади, стратегик ва тактик жиҳатдан белгиланган мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг комплаенс назоратини амалга ошириш ва уни банк фаолиятини тартибга солишда ўрнини аниқлаш асосида кўйидаги таклифлар берилди:

1. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан аудиторлик ва банк рискларини мижозларнинг жойлашиши ва уларнинг транзакциялари асосида баҳолаш асосида четга чиқишларни аниқлаш;

2. Хорижий пул ўтказмаларни ва чет эл банклари билан амалга ошириладиган транзакцияларни кечиктириш ва музлатиб қўйиш амалиёти барча жисмоний ва юридик шахслар учун бир хил даражада талаблар ишлаб чиқиш, рўйхатга киритиш ва чиқариш амалларини ҳамда активларни музлатишдан чиқаришга доир ваколатли органларнинг тижорат банклари билан тезкор ўзаро мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

Шундай қилиб ушбу ушбу мақола бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларни амалиётга жорий қилиниши натижасида тижорат банкларининг коррупцияга қариш курашиш жараёни яхшиланади ва улар комплаенс назорати тизими тамонидан тартибга солинади.

Adabiyotlar/Literaturaga/Reference:

Casarico M. (2022) "Digitalization and automation of the Regulatory Compliance within the banking sector", S.-H. Liang, H.-C. Lin, and H.-Y. Hsiao, "Compliance and governance: evidence from financial institutions in Taiwan," *Journal of Financial Regulation and Compliance*, no. ahead-of-print, 2022; J. P. Flanding and G. M. Grabman, "Uniting Governance, Risk, and Compliance to Generate Cultural Change," in *Purpose-driven Innovation: Lessons from Managing Change in the United Nations*, Emerald Publishing Limited, 2022, pp. 177–195.

Said J., Ghani E.K., Omar N., and Yusuf S.N.S. (2013) "Money laundering prevention measures among commercial banks in Malaysia," *International Journal of Business and Social Science*, vol. 4, no. 5.

Абрамов В.Ю. (2020) *Руководство по применению комплаенс-контроля в различных сферах хозяйственной деятельности. Практическое пособие. М.:Юстицинформ, -174с. С.58-61.*

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чоратадбирлар тўғриси"ги ПҚ-3066-сонли, 2017 йил 16 июн.

Примаков Д. (2019) *Специальные виды комплаенса. Антикоррупционный, банковский, санкционный и розыск архивов (форензик). М.Инфотронтик Медиа, -270 с. С.45-48.*

Султанов А.У., Ахмедов Ш.Х. (2024) Тижорат банкларида коррупцияга қарши курашишнинг комплаенс назорати усуллари тақомиллаштириш. // *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot jurnali. Maxsus soni, 18-19 aprel. 429-434.*

Фармон (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6252-сон фармонига 1 илова. < <https://lex.uz/docs/5482727>>.